



## Ислom Нури

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бешта нарса фитратдандир: хатна қилиш, аврат тукларини тозалаш, тирноқ олиш, қўлтиқ тагидаги тукларни юлиш ва мўйловни қисқартириш», дедилар.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бешта нарса фитратдандир: хатна қилиш, аврат тукларини тозалаш, тирноқ олиш, қўлтиқ тагидаги тукларни юлиш ва мўйловни қисқартириш», дедилар.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бешта нарса фитратдандир: хатна қилиш, аврат тукларини тозалаш, тирноқ олиш, қўлтиқ тагидаги тукларни юлиш ва мўйловни қисқартириш», дедилар.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўйловни қисқа қилинглари ва соқолни тўлиқ қўйинглари», дедилар.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўйловни қисқа қилинглари ва соқолни тўлиқ қўйинглари», дедилар.

Имом Термизий Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким мўйловини олмаса биздан эмас», дедилар.

Имом Термизий Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким мўйловини олмаса биздан эмас», дедилар.



## Ислом Нури

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бизга мўйловни қисқартириш, тирноқни олиш, авратдаги тукларини қириш ва қўлтиқ тагидаги тукларни юлишни қирқ кундан ортиқ қолдириб юбормаслигимиз белгиланди.

### Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрган ва тарғиб қилган фитрат суннатларидан бири – мўйловни қисқартиришдир. Мўйловни олмай ва қисқартирмай, ўсган ҳолича қолдириш мусулмонларнинг амалидан эмаслиги айтилмоқда. Юқорида зикр қилинган ҳадислар бизни бундай мункар амалдан четланишга чорлайди. Юқоридаги ҳадисларда зикри ўтган фитрат суннатларининг ҳаммасини ҳам тозаламасдан юришнинг энг сўнгги муддати 40 кун экан. Бироқ бу нарсаларни ҳар ҳафта тозаланиши мақсадга мувофиқ.

### Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Мўйловни олмай, узайтириб юришдан қаттиқ қайтарилган.
2. Мўйлов борасидаги суннат – лабнинг атрофи кўриниб турадиган даражада қисқартиришдир.
3. Мўйловни узоғи билан қирқ кундан ўтказиб юбормасдан қисқартириб туриш ҳам суннатдир.